

ЎЗБЕКИСТОНДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИЁТИ

Комилахон Хонкелдиева

и.ф.ф.д., PhD, Фарғона давлат университети

Жаҳонда инновацион маҳсулотларга бўлган эҳтиёжнинг кўпайиши натижасида ихтирочи, инноватор ва ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий ресурсларга бўлган талабнинг ортиб бориши, соҳаларда инновацион жараёнларни ташкил этишда давлат буюртмаси, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги, венчур фондлар, илмий инновацион кластерлар, краудфандинг каби молиялаштиришнинг замонавий механизмлардан фойдаланиш ва истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш – илмий тадқиқотларнинг устувор мақсадларидан ҳисобланади. Асримизнинг дастлабки икки ўн йиллигида жаҳон миқёсида юз берган ИНТЕРНЕТ тизими билан боғлиқ “рақамли инқилоб” натижасида бизнинг кундалик ҳаётимиз кундан-кун янги ижтимоий-иқтисодий тизимлар фаолиятига мослашмоқда. Рақамли платформаларга асосланган янги тизимлар нафақат неъматлар яратиш ва унинг истеъмоли жараёнини, балки иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш жараёнини ҳам тўлиқ эгалламоқда.

Рақамли платформаларга асосланган ижтимоий-иқтисодий тизимнинг шаклланиши билан моддий ва номоддий неъматларни яратиш ва етказиб бериш ҳажмининг анъанавий тизим шароитидагидан бир неча баробар ортиб бораётганлиги ушбу тизимнинг самарали ҳамда истиқболли эканлигини кўрсатади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг рақамлашуви натижасида яхлит тизимнинг моддий ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам сервислашув даражаси ортиб боради ва бу бутун тизимнинг хизматларга асосланишига олиб келади.

Саноат соҳаларида ишлаб чиқаришни кенгайтириб бориши ва рақамлашуви бир вақтнинг ўзида тўқимачилик тармоғининг тез суръатларда ривожланишини таъминлаш билан бирга соҳа корхоналари фаолияти учун турли даражада таъсир этувчи хатар (риск)ларни шакллантиради. Бошқача айтганда, янги шароитида бошқарув жараёнларини рақамлаштириш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этиш рақамли бошқарув самарадорлигининг назарий жиҳатларини чуқур ўрганиб чиқишни талаб этади.

Бугунги кунда саноат тармоқларида қўлланиладиган ва энг кенг тарқалган рақамли тизимлар қаторига ИТС Интернет, сунъий интеллект, ГЛОНАСС/GPS тизими, блокчейн платформалари, Convoу, Flexport ва бошқа тизимларни киритиш мумкин. Ишлаб чиқариш соҳасини бошқариш жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш билан боғлиқ амалий вазифаларни ҳал этишда ушбу бошқарув тизимлари

самарадорлигининг назарий жиҳатларини яратиш ва мавжуд ёндашувларни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Аввало, саноат корхоналарида бошқарув жараёнлари билан боғлиқ билим соҳасининг мазмунини тўғри очиб бериш, бошқарув жараёнларини рақамлаштиришнинг оптималлигини баҳолаш учун умумий ёндашув тамойилларини белгилаш, мезонларни аниқлаш ва самарадорликни баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Янги технологик воситалар ва бошқарувнинг дастурий маҳсулотларни олишдан олдин, уларга қилинган харажатлар аниқ фойда келтиришига ишонч ҳосил қилиш керак, чунки рақамлаштириш воситалари орқали бошқаришни такомиллаштириш мавжуд қувватлар, маблағ ва вақтдан самарали фойдаланишни таъминлаши керак.

Бошқарув самарадорлиги назарияси бугунги кунгача кўплаб олимлар ва тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлиб, улар томонидан масаланинг назарий асослари ҳамда услубиёти ишлаб чиқилган.

Илмий менежмент назариясининг классик асосчиларидан бири Ф.Тейлорнинг бошқарув самарадорлиги назариясига қўшган хиссаси сифатида илмий ишлаб чиқилган стандартлар, қоидалар ва қоидаларга мутлақ риоя қилиш ғоясини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Бошқарув жараёнларига мезонли ёндашувлар назариясига таниқли немис социологи М.Вебер ўзининг “идеал бюрократия” назарияси билан сезиларли хисса қўшган.

Яна бир машҳур менежмент назариётчиси ва бошқарувнинг эмпирик мактаби асосчиси бўлган П.Друкернинг “мақсадлар бўйича бошқарув” назариясида қуйидаги муҳим элементларга эътибор қаратилган:

- стратегик мақсадларни аниқлаш;
- режа ва стратегияларни ишлаб чиқиш жараёнига барча ходимларни жалб этиш;
- якуний натижалар асосида бошқарув самарадорлигини баҳолаш.

Л.И.Федулова, корхона бошқарувини баҳолашга мезонли ёндашувларни тадқиқ этиш жараёнида корхонанинг умумий бошқарув самарадорлигига таъсир этувчи қатор омилларни ажратиш кўрсатган.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги бир вақтнинг ўзида кўплаб омиллар таъсирида шаклланиб, улар орасида тўқчилик соҳаси менежерларини тайёрлаш энг муҳим аҳамият касб этади. Яна бир муҳим омил – кўрсатилаётган хизматларнинг самарадорлиги ҳисобланади. Чунки хизматлар салоҳиятининг миқдор ва сифат хусусиятлари, жараёни ташкил этиш шакли ва фаолият усулларининг мукамаллик даражаси унинг якуний натижаси бўлган самарадорликка жуда катта таъсир кўрсатади. Юқоридагилар билан бирга фаолиятга киритилаётган моддий ресурслар ҳажми ҳам умумий самарадорликка таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кўрсатиладиган ишлаб чиқариш самарадорлиги (C_{xc})ни миқдори, сифати, ташкилий тузилишини ўзида акс эттирувчи амалий ҳаракатлар ва бошқарув самарадорлиги (B_c) ҳамда қувватлар ва воситалар самарадорлиги (C_{bc})га боғлиқ функция кўринишида ифодалаш мақсадга мувофиқ.

$$C_{xc} = f(C_{bc}, B_c)$$

Ишлаб чиқариш бошқарувини рақамлаштириш самарадорлигини баҳолашга тизимли ёндашувни қўллаш шунини кўрстадики, уларни яхлит баҳолашда уни ташкил этувчи таркибий қисмларнинг самарадорлигини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Умумий ҳолда бошқарув жараёнини ташкил этувчи таркибий қисмларни 3 та асосий гуруҳга бирлаштириш мумкин:

1. Бошқарув жараёнларини рақамлаштиришнинг биринчи гуруҳига ишлаб чиқариш корхонанинг қуввати ва воситалари киритилади. Албатта, иқтисодий фаолиятни ташкил этишда ишлаб чиқариш воситалари муҳим ўринга эга, бироқ бу воситалардан самарали фойдаланиш кўпроқ “инсон омили”га боғлиқ.

2. Бошқарув жараёнларини рақамлаштиришнинг иккинчи гуруҳ элементларини ишлаб чиқариш корхонасидаги бошқарув тизимлари таркиби киради. Бошқача айтганда ушбу таркибий қисм сифатида корхона бошқарувининг ташкилий шакли тушунилади. Бошқарувнинг таркибий шаклини қуйидагиларни тавсифловчи кўрсаткичлар ифодалайди:

- бошқарув тизимидаги элемент (бўғин)лар миқдори;
- аниқ вазифани бажара олиш қобилияти ва имконияти нуқтаи назаридан ҳар бир элементнинг сифати;
- бошқарув тизими таркибидаги тизим ости тузилмалари сифатида қаралиши мумкин бўлган алоҳида элементлар гуруҳларининг ташкилий мустақиллиги;
- фаолият кўрсатиш жараёнида бошқарув таркибий қисмлари ва тизим ости тузилмалари ўртасидаги алоқалар тартиби;
- бошқарув элементлари ва тизим ости тузилмаларининг ўзаро жойлашув чегаралари, уларнинг бир-бирига ўта олиши.

3. Бошқарув жараёнларини рақамлаштиришнинг учинчи гуруҳ элементларини ишлаб чиқариш корхонасидаги бошқарувчиларнинг жараён давомидаги муносабатлари йиғиндиси ташкил этади. Бу муносабатлар мажмуи бошқарувчиларнинг иш усуллари, ҳуқуқлари ва функционал мажбуриятлари орқали намоён бўлади.

Кўрсатиб ўтилган гуруҳлар тақибига кирувчи элементлар биргаликда корхоналаридаги бошқарув жараёнларини рақамлаштириш хусусиятлари ҳамда самарадорлигига шароитлар яратади. Гуруҳлар таркибидаги бирор бир элементдаги ўзгариш тизимнинг бузилишига ва бу билан бошқариш самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Ихтиёр Бахтиёрович Хамрақулов (2021). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ. *Scientific progress*, 2 (7), 586-592.
2. Ихтиёр Бахтиёрович Хамрақулов (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МОЎИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ. *Scientific progress*, 3 (1), 328-334.
3. Хамрақулов Ихтиёр Бахтиёрович (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ИМКОНИАТЛАРИ. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2 (Special Issue 2), 140-146.
4. Хамрақулов, И. Б. (2021). Теоретические основы создания и развития малых промышленных зон. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ* (pp. 49-51).
5. Khamrakulov, I. (2022). Organizational and economic foundations for creating small industrial zones in Uzbekistan. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(10), 233-237.
6. Asqarova, A., Xonkeldiyeva, K., Abdumutalibova, X., & Murotova, D. (2021). Issues of increasing the competitiveness of light industry enterprises. In *Наука сегодня: проблемы и пути решения* (pp. 48-49).
7. Хайдаров, Х., Нурматова, И., & Хонкелдиева, К. (2021). Факторы формирования сильного конкурентного рынка в текстильной промышленности. In *НАУКА СЕГОДНЯ: ВЫЗОВЫ И РЕШЕНИЯ* (pp. 59-61).
8. Asqarova, A. M., Xonkeldiyeva, K. R., Nomonjonova, F. U., Qodirova, S. Q., & Arabxonova, X. A. (2021). Classification Of Competition In The Market Of Light Industrial Goods And The Factors That Shape It. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(01), 43-46.
9. Asqarova, A. M., Xonkeldiyeva, K. R., Abdukarimova, R. A., Xudoyberdiyeva, X. B., & Egamberdiyeva, N. B. (2021). Theories Of Marketing Strategies To Increase The Competitiveness Of Light Industry Enterprises. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(01), 40-42.
10. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Хасанхужаева, У. (2021). Предупреждение преступности среди несовершеннолетних. In *Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы* (pp. 34-35).
11. Xonkeldiyeva, K., & Xo'jamberdiyev, J. (2020). Экономика и социум.
12. Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Features of management of textile industry enterprises based on the cluster approach. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(9), 780-783.
13. Zokirova, S. X., Akbarov, R. F., Isagaliyeva, S. M., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Sand Distribution In Central Fergana. *The American journal of interdisciplinary innovations and research*, 3(01), 113-117.

14. Zokirova, S. X., Ahmedova, D., Akbarov, R. F., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Light Industry Enterprises In Marketing Activities Experience Of Foreign Countries In The Use Of Cluster Theory. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(01), 36-39.
15. Xonkeldiyeva K., & Xo'Jamberdiyev J. (2020). IMPROVING ORGANIZATIONAL EFFECTIVENESS OF INDUSTRIAL PRODUCTION. *Экономика и социум*, (3 (70)), 145-147.
16. Хонкелдиева, К., & Мўйдинжонова, М. (2020). Актуальные проблемы решения безработицы в Республике Узбекистан. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 18-19).
17. Хонкелдиева, К., & Хўжамбердиев, Ж. (2020). Проблемы развития организации: управленческий и логистический аспекты. In *Наука сегодня: история и современность* (pp. 17-19).
18. Хонкелдиева, К., & Толибжонова, М. (2020). Механизм формирования инновационного процесса в текстильном производстве как основа адаптации к процессам глобализации. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 15-16).
19. Хонкелдиева, К., & Абдусатторова, З. (2020). Социальная инфраструктура как фактор социально-экономического развития региона. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 17-18).
20. Хонкелдиева, К., & Фарохиддинова, З. (2020). Гендерное равенство как ценность права. *Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы: материя*.
21. Хонкелдиева, К., & Мўйдинжонова, М. (2020). Необходимые условия обеспечения гендерного равенства. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 40-41).
22. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Абдусатторова, З. (2020). Проблемы развития социального обеспечения населения. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 42-43).
23. Хонкелдиева, К. (2020). Актуальные вопросы повышения экономического потенциала текстильной промышленности. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 13-15).
24. Хонкелдиева, К., & Фарохиддинова, З. (2020). Гендерное равенство как ценность права. In *Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы* (pp. 61-62).
25. Хонкелдиева, К., & Маматкулова, Ф. (2020). Социально-экономические аспекты устойчивого развития предприятия. In *Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы* (pp. 36-37).
26. Хонкелдиева, К., & Фарохиддинова, З. (2020). Оценка влияния рынка труда на уровень безработицы в республике Узбекистан. In *Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы* (pp. 37-38).